

УДК 619:618-14-002:636.22/28.

**СИГИРЛАР ТУҚҚАНДАН КЕЙИНГИ ГИНЕКОЛОГИК  
КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА ВА РЕПРОДУКТИВ ФАОЛЯТИНИ  
РАҒБАТЛАНТИРИШДА ПРЕПАРАТЛАР САМАРАСИ.**

**Қўлдошев О.Ў.** в. ф. д., **Сувонов С.А.** докторант, **Рўзимов М.** магистир.  
Ветеринария илмий-тадқиқот институти.

**Аннотация.** В данной статье приведены эффективности лечения послеродовых гинекологических болезней и стимулировании воспроизводительной функции у коров препаратами Сурфагона и Эстрадиол бензоата.

**Annotation:** In this article, the effectiveness of the treatment of postpartum gynecological diseases and the stimulation of the reproductive function in cows with Surfagon and Estradiol benzoate is presented.

**Калит сўзлар:** – акушерства, гинекология , профилактика, катетр, сарик танача, бачадон субинволюцияси, эстрадиол бензоат, сурфагон, пуштсизлик, детрим, сигир.

**Мавзунинг долзарблиги.** Давлатимиз рахбариятининг чорвачиликни ривожлантиришни янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларининг бажарилиши ҳисобига нафақат фермерлар, чорвачилик фермалари ҳамда аҳоли қаромоғидаги чорва моллари ва паррандалар бош сонининг йилдан- йилга кўпайиб бориши кузатилмоқда. Республика Президентининг 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон “Чорвачиликни тармоғини давлат томонидан қўллаб-

қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги, ҳамда 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон “Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” тамойили асосида ҳалқимизни фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий тармоқларни трансформация қилиш ва тадбиркорларни жадал ривожлантиришда Ветеринария ва чорвачилик соҳаси асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Фермадаги сигирлардан унумли фойдаланиш, қисир қолишининг олдини олиш, уруғланиш миқдори ва сифатини ошириш ҳамда ёш бузоқларни сақлаш тадбирларини йўлга қўйиш чорвачиликни ривожлантириш ва чорва маҳсулдорлигини оширишнинг асосий шартлари дейиш мумкин. Ҳайвонларни озиклантиришни яхшилаш билан бир қаторда хўжаликлардаги чорвачилик ишлари юритилишини такомиллаштириш, илғор фан ютуқларидан кенг кўламда фойдаланиш эвазига мол туёқ сонини бирмунча кўпайтириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Хўжаликларда подани қайта тўлдиришни муваффақиятли амалга ошириш учун пуштсизлик ва қисир қолишга ҳамда туққандан кейинги жинсий касалликлар билан касалланишга йўл қўймаслик зарур. Сигир ва таналарни қисир қолишида асосий сабаблардан бири туққандан кейинги гинекологик касалликлар (йўлдош ушланиб қолиши, эндометритлар) ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Сигирлар туққандан кейинги эндометритларни даволашда Сурфагон (SURFAGON) ва Эстрадиол бензоат препаратларини даволавчи самарадорлигини аниқлаш мақсад қилиб олинган ва қуйидаги вазифалар белгиланган.

**Тадқиқот объекти ва усуллари.** Эндометритларни даволашда Сурфагон (SURFAGON) препарати 2 гуруҳ ҳар гуруҳда 12 бошдан 24 бош эндометрит билан касалланган сигирларда ва Эстрадиол бензоат препарати эса 3 гуруҳ ҳар гуруҳда 10 бошдан 30 бош сигирларда олиб борилди.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг тахлили.** Адабий манбалардан маълум бўлишича сигирлар туққандан кейинги касалликларни даволашда сурфагон 2 мл дан ва Эстрадиол бензоат 5 мл дан препаратларни юбориб қўллашдан олинган самарадорлик юқори даражада бўлиши аниқланган. Аммо бу препаратларни Ўзбекистон шароитида сигирлар туққандан кейинги эндометрит касаллигини даволашда унинг самарадорлиги ўрганилмаганлиги сабабли эндометрит касаллигини даволашда самараси ўрганилди.

Сурфагон (SURFAGON) горманал восита бўлиб, «bivесо» фирмаси томонидан 10 мл ли флаконларда суяқ препарат бўлиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган. Ўзбекистонда ишлаб чиққанлигини инобатга олиб, ушбу препаратни сигирлар туққандан кейинги эндометрит касаллигини даволашда самарадорлигини ўрганишни мақсад қилиб олинди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда сигирлар туққандан кейинги эндометрит касаллигини даволашда сурфагон препаратини самарадорлигини ўрганиш бўйича дастлабки тажрибалар ҳар бир тажриба гуруҳда 12 бошдан 2-гуруҳ сигирларда олиб борилди. Назоратда бўлган 12 бош сигирлар умумий қабул қилинган даволаш усуллари билан даволанди. Бачадон тўғри ичак орқали текширилиб, енгил 3-4 дақиқа массаж қилинди ва 1:5000 фурациллин билан ювилиб, кўпик ҳосил қилувчи фуросолидон таёқчасидан 2-3 дона қўйилди ва Дитрим препаратидан 10 кг тирик оғирлигига 1 мл дан юборилиб даволанди. 1чи гуруҳда бўлган 12 бош сигирлар тажрибада бўлиб, уларга умумий даволаш усулига қўшимча, сурфагон препарати 2 мл дан мушак орасига юбориб даволанди. Назоратда бўлган 12 бош сигирлар умумий қабул қилинган даволаш усуллари билан даволанди. Натижа жадвалда келтирилган. (Жадвал-1).

**Сигирлар туққандан кейинги эндометрит касаллигини даволашда  
сурфагон препаратини самараси.**

**1-жадвал**

Гуруҳлар	Қўлланган препаратлар микдори	Тажрибада бўлган сигирлар сони	Шундан соғайганлари		Қисир бўлиб юрган кунлари	Оталанди	Қисир қолди
			даволашдан сўнг				
			Бош	%			
1- тажриба гуруҳи	Сурфагон препарати 2 мл дан мускул орасига юборилди	12	11	91,6	55	10	2
2- назорат гуруҳи	Умумий даволаш усули билан даволанди.	12	9	75,0	68	8	4

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида эндометрит билан касалланган тажрибада бўлган 12 бош сигирлар сурфагон препарати билан даволанганда 11 бош сигир (91,6%) соғайгани, 1 бош сигирда касаллик сурункали формага ўтганлиги кузатилди ва даволанган сигирларнинг сервис даври 55 кунни ташкил этганлиги ҳамда оталантирилганда 10 бош сигир (83,3) оталангани ва 2 бош сигир (16,6%) қисир қолганлиги аниқланди. Назоратда бўлган сигирлар умумий қабул қилинган усулда даволаганда 9 бош сигир (75,0%) соғайди, сервис даври 68 кун бўлиб, 8 боши (66,6) оталанди ва 4 бош (33,3) қисир қолганлиги аниқланди.

Эстрадиол бензоат 5 мл дан ампулаларга қадоқланган препаратини даволовчи самарасини ўткир эндометрит билан касалланган 3 гуруҳ сигирларда хар гуруҳда 10 бошдан касал сигирларда олиб борилди. Назоратда бўлган сигирлар бачадони тўғри ичак орқали енгил массаж қилиниб риванолни 1: 5000 суюқлиги билан ювилиб сўнгра бачадон ичига йодапен препаратдан микроорганизмларга қарши қўлланилди. Организмнинг умумий ахволини

яхшилаш мақсадида Дитрим препаратидан 10 кг тирик вазнинг 1 мл дан мускул орасига юбориб даволанди. 1-чи тажриба гуруҳида бўлган 10 бош сигирларга умумий даволаш усуллари қўлланилмади фақат даволашни биринчи ва 7-чи кунлари Эстрадиол бензоат препаратидан 5 мл дан мускул орасига қўллаб даволанди. 2-чи тажриба гуруҳида бўлган 10 бош сигирларга умумий даволашда қўлланилган препаратларга қўшимча касал сигирлар мускул орасига 5 мл дан эстрадиол бензоат препарати юбориб даволанди. 1-чи тажриба гуруҳида бўлган 10 бош ўткир эндометрит билан касалланган сигирларни эстрадиол бензоат препаратини мускул орасига 5 мл дан даволашни биринчи ва 7-чи кунлари 2 марта юбориб даволади. 1 чи даволашда 4 бош (40,0%) сигирлар соғайган бўлса, иккинчи даволашда 8 боши ( 80,0 %)соғайгани кузатилган бўлса бу сигирларнинг қисир бўлиб юрган даври 63 кунни ташкил этиб, улардан 7 бош сигир куйга келиб оталанди ва 3 бош сигир қисир бўлиб қолди. 2-чи тажриба гуруҳида бўлган 10 бош ўткир эндометрит билан касалланган сигирларга эстрадиол бензоат препарати 5 мл дан бир марта мускул орасига юбориб ҳамда умумий даволаш усуллари ҳам қўлланилиб даволанганда 1-чи даволашда 7 бош (70,0%), иккинчи даволашда 9 бош сигир соғайганлиги кузатилган бўлса, 1 бош сигир брак қилинди. Сигирларнинг қисир бўлиб юрган даври 54 кунни ташкил этиб, 9 бош сигир куйга келиб оталанганлиги аниқланди. Назоратда бўлган 10 бош сигирлар умумий даволаш усули ёрдамида даволанганда биринчи даволашда 5 бош сигир (50,0 %) соғайган бўлса, иккинчи даволашда 8 бош (80,0) соғайган бўлиб, уларнинг қисир бўлиб юрган кунлари 73 кунни ташкил этиб, 8 бош сигир куйга келиб оталанди ва 2 бош сигир бепушт бўлиб қолди.

Сигирлар туққанидан кейинги ўткир эндометрит касаллигини даволашда эстрадиол бензоат препарати умумий даволаш усуллари билан бирга қўлланилганда даволовчи самарадорлиги 90,0% ташкил этган бўлса, соф ўзини қўллаганда даволовчи самарадорлиги 80,0% ташкил этди.

**Сигирлар тукқандан кейинги ўткир эндометрит касаллигини даволашда эстрадиол бензоат препаратини самараси.**

**2-жадвал**

Гуруҳлар	Қўлланган препаратлар миқдори	Тажрибада бўлган сигирлар сони	Шундан соғайганлари		Қисир бўлиб юрган кунлари	Оталанди	Қисир қолди
			даволашда				
			Бош	%			
1-тажриба гуруҳи	Эстрадиол бензоат препарати 2 марта 5 мл дан 1-чи ва 7 кунлар мускул орасига юборилди	10	8	80,0	63	7	3
2-тажриба гуруҳи	Эстрадиол бензоат препарати 1 марта ва умумий даволаш усули қўлланилди.	10	9	90,0	54	9	1
3-назорат гуруҳи	Умумий даволаш усулида даволанди	10	8	80,0	73	8	2

Назорат гуруҳида бу кўрсаткич 80,0% ташкил этганлиги аниқланди. Демак, эстрадиол бензоат препаратини нафақат даволовчи хусусияти, препарат юбориб даволаган сигирларнинг куйга келиш ва оталаниш кунларини қисқартириш хусусияти мавжудлиги ҳам тажрибада исботланди.

Демак, ўтказган тадқиқот натижасида эстрадиол бензоат препаратини сигирлар ўткир эндометрит касаллигини даволашда соф ўзин қўллашда самараси пастлигини кўрсатади аммо бу препаратни умумий даволаш усуллари билан бирга қўлланилганда бачадон шиллик қаватини тикланишини кучайтиради шиллик қаватдаги суюқлик ишлаб чиқарувчи безларга ижобий таъсир этиб яъни лизоцим моддасини ишлаб чиқаришни кучайтиради ва бачадон ичидаги

яллиғланиш махсулотлар бўлган зарарли суюқликлардан холи бўлишни тезлаштириши натижасида ўткир эндометрит касаллигини даволашда яхши самарали препарат ҳисобланади.

**Хулоса.** Шундай қилиб, сурфагон препаратини сигирлар туққандан кейинги эндометрит касаллигини умумий даволаш усуллари билан биргаликда қўллаб даволаганда даволаш самарадорлиги юқори бўлиши ва сервис даврини қисқартириши ҳамда куйга келиб оталанишда препаратнинг самарадорлиги назорат гуруҳидагиларга нисбатан 2 баробар юқори эканлиги аниқланган бўлса, худди шундай эстрадиол бензоат препарати якка тартибда қўлланилганда даволовчи самараси пастлигини кўрсатган бўлса, умумий даволаш билан бирга қўлланилганда даволовчи самараси ва сигирларни куйга келишини тезлаштириш ҳамда сервис даврини қисқартиришда яхши самара бериши аниқланди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Балашов Н.Г. Ветеринарный контроль при искусственном осеменении животных М: Колос, 1980. 272 с.
2. Муртазин Б.Ф. Қўлдошев О.У. Симтоматик пуштизлик. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журнали Тошкент 2007. й Н 18 б
3. Муртазин Б.Ф. Пулатов Г.С. Қўлдошев О.У. Эмбрион ўлим// Ветеринария – Тошкент 1996. №3 с 16.
4. Студенцов А.П. и др Акушерство, гинекология и биотехника размножения животных. М.: Колос. 2005.
5. Муртазин Б.Ф. Бактериалное аспекти Акушерско-гинекологического патологии коров Афтореферат дотор наук. Самарқанд 2009 й
6. Носиров У. Ўзбекистонда наслчилик иши ва наслчилик базасини такомиллаштириш муаммолари // Зооветеринария, 2009. № 10. 10-19 бет.